

**ТАЛАБАЛАРДА ГЕНИАЛЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Х.Фаниева**

*ФарДУ Психология кафедраси доценти,*

**Xakimova Mavluda**

*ФарДУ Психология йуналиши 1-курс магистри.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада бүгунги кун ёшларининг гениалликка интилишининг педагогик-психологик хусусиятлари, муаммо ва долзарб масалалари тахлил этилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Интеллект, гениаллик, қобилият, фаталлик, истеъдод, кашфиёт, ирода, муваффақият, ўзини рўёбга чиқариш, янги ғоялар, ўзини назорат қилиш, мотивация.

**ПЕДОГОГИЧЕСКИЕ-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХРАКТЕРИСТИКИ СТРЕМЛЕНИЯ  
СТУДЕНТОВ К ГЕНИАЛНОСТИ**

**Аннотация:** В данной статье проанализирован актуальные проблемы и педагогические-психологические характеристики стремления нынешней молодёжи к гениальности.

**Ключевые слова и выражение:** Интеллект, гениальность, способность, фатальность, талант, открытие, воля, успех, осуществление идей, новые идеи, самосовершенствование, самоконтроль, мотивация.

**PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL CHARASTERISTICS OF ASPIRING YOU THE TO  
GEnIUS.**

**Annotation:** Important problems and the pedagogical- psychological characteristics of aspiring to genius of contemporary, youth are analyse in the article.

**Key words and phroses:** Intellect, genius, avility, fatalism, talent, invention, will, success, new ideas, self-control, self- realization, motivation.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Биз бошдан кечираётган бүгунги ўзгаришлар даври айнан истеъдодли ва иқтидорли, зеҳни ўткир, мулоҳазали, янгидан-янги кашфиётларга қодир инсонларни тарбиялашни талаб қилмоқда ва иккинчи томондан мустақилликнинг ўзи туб маънода ана шундай баркамол авлодни

тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратишга қодирдир, зеро мустақиллик инсонлар фикр ўйлари, ҳис-туйғулари ва тафаккурида кескин ўзгаришлар қила олади. Айнан ёшларнинг юқори интеллекти ва уларнинг замонавий билимлари билан қуролланганлиги ва юқори маданиятли турмуш тарзи ўз навбатида жамиятнинг моддий технологик жиҳатдан тараққиётига замин бўлади.

Инсон ўзлигини рўёбга чиқариши ва намоён эта олиши учун ҳаётда гениал шахс бўлиб яшashi зарур. Гениал шахс эса ҳеч қачон фаталист бўлмайди, яъни фаолиятининг барча жабҳаларини тақдирга топшириб қўймайди, барча нарсани тақдирдан кутиб яшамайди, балки ўз тақдирини ўз қўли билан яратади. Психологияда «фатал» сўзи «Тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайдиган, олдини олиб бўлмайдиган ходиса» маъносини англатади. Гениаллик деганда эса шахснинг энг юксак даражадаги ижодиёти билан ўзлигини намоён қила олиш қобилияти тушунилади.

Талабалар мақсади йўлида учраган қийинчиликлар кичик бўлишига қарамай уларга бу қийинчиликларни асло енгиди бўлмасдек туюлади. Шунингдек, ёшлар ўзлигини тўла намоён эта олиши учун аввало ўзига тегишли соҳани аниқлаши лозим.

Баъзиде омади юришмаган талабада, ўзи англамаган ҳолда атрофдагилардан норозилик ҳисси пайдо бўлади. Натижада бу талабада рўёбга чиқмай қолган орзулари учун бошқаларни айблаш, тушкунликка берилиш холлари кузатилади. Умуман, талабанинг орзулари ушалмай қолганда, ўзига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлганда, ўзлигини рўёбга чиқара олмагандан, қобилиятларини намоён эта олмагандан фаталистик ҳолатлар юзага келади.

Ўз қобилиятларини тўла намоён эта олган гениал шахсларга хос хусусиятлар аввало шундаки улар асло (ички) ҳимояга эҳтиёж сезмайдилар, уларга қўрқув, ҳадик ҳисси ётдир. Бундай кишилар жамиятга илғор ғоялар берибина қолмай, ўз фаолиятидан қониқиши ҳисси ҳосил қиласди, бутун инсониятга фойда келтира оладилар. Улар омадсизлик уқубатларини босиқлик билан бошдан кечирадилар. Чунки, улар мақсадга эришишда ўта сабот-матонат билан меҳнат қилиб, сабр-тоқат билан натижани кута оладилар.

Ҳаётда ўзликни рўёбга чиқариш, намоён этиш катта аҳамиятга эга экан, нега ақлли, зукко талабалар ўзлигини тўла намоён эта олмайдилар? Нега кўпчилик беллашишни ёқтирумайди? Сабаби, баъзан талабалар томонидан илгари сурилган қизиқарли режа ва ташаббусларга атрофдагилар совуқлонлик ёки эътиборсизлик билан қарайдилар. Бунинг оқибатида талаба аста-секин сўниб боради, ўз фикр ва ғоялари учун курашмасликка, мустақил бўлмасликка кўнишиб боради. Бундай шароитда фақат энг саботлилар чекинмайдилар, қолганлари эса ўзини мен бошқалар каби қобилиятли эмасман, улар эришган чўққиларга мен асло эриша олмайман, яхшиси мен учун сояда юриш бирмунча қулай дейиш билан фаталистик кайфиятга тушади. Бу каби талабалар ўзига асло ишонмайди, бир ишни бошламай туриб уни бажаришдан воз кечади.

Аммо, бошқа бир талаба у воз кечган ўша масаланинг ечими устида иш бошлайди, шунда бу масаланинг унча мушкул эмаслиги ва уни хал қилиш мумкинлиги аён бўлади. Бу унга яхшигина сабоқ бўлади. Шундан сўнг у ички тўсиқларни бартараф эта олармикин? Айтиш қийин. У кимдир муаммо ечишни буюришини, уни ижодга чорлашини хоҳлайди. Лекин ўзичи? Афсуски, унда болалиқдан ривожланган, ота-она томонидан тарбияланган тобелик ҳисси характери ҳусусиятига айланиб қолган. Ундаги бу тебе бўлиш ҳисси кучлироқقا суяниш заруриятини келтириб чиқарган. Бу холатда кимдир унинг учун муаммоларни хал қилиши керак, унда кимдир мендан кучлироқ, ақллироқ деган ишонч ҳисси пайдо бўлади.

Турли психологик тадқиқотларга кўра, мақсад ва унга эришиш йўлларини англаш ўртасида мұхим боғланиш мавжудлиги аниқланди. Инсон ўзлигини рўёбга чиқариш ўзига боғлиқ эканлигини қанча тез тушуниб етса, у ҳаётга шунчалик чуқурроқ қарайди ва олдига мұхимроқ мақсадлар қўяди. Шунингдек, у хато иши ва ҳаётини ўзгартиришда ҳам қатъий қадамлар қўяди.

Чунки у ҳар қандай фаолият ва холатларда ўз ўрнини топа олади. Кўпчилик одамлар ҳамма нарсани тасодиф, тақдир тақозоси, масала қийинлиги, шу масалани хал этишда иштирок этувчи одамлар билан муносабатдаги қийинчиликлар билан боғлайдилар. Ҳаёти ва фаолиятига ўзгартиришлар кирита олмайдиган тақдирга кўр-кўrona ишонадиган астеник холатдаги кишиларни психологияда фаталистлар деб аталади. Ҳаётда озчиликни ташкил қилса ҳам, бошқа бир тоифадаги талабалар ҳам мавжуд. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиб, уни охиригача етказа оладиган, тиришқоқлиги ва событ қадамлиги билан бошқалардан ажralиб турадиган ўз ният ва мақсадларига ета олиши мумкинлигини чуқур ҳис қилган, самарали ижоди билан ўзини намоён қила олган талабалар гениалликка молиқдирлар.

Инсон шахсий масъулиятни қанчалик сеза олса, у шу қадар қунт билан меҳнат қиласи ва унда ўзига нисбатан ишонч ва ҳаётдан қониқиш ҳисси тобора ортиб боради. Аслини олганда, ҳар бир инсонда у ёки бу одамнинг ҳусусиятлари мавжуд бўлади. Бу ерда гап бу ҳусусиятларнинг миқдоридадир (муаммо ечишда қай йўлни тутамиз: барчасини тақдирга ташлаб қўямизми? ёки тақдиримизни ўз қўлимизга оламизми?) тадқиқотларнинг кўрсатишича шахснинг характери кўпроқ муваффақиятсизлиқда синалар экан.

Ҳаётда кимки ўз ютуқ ва омадсизликларининг бosh сабабини ўзида деб билса, у буюкроқ ва юксакроқ мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўяди. Бунинг акси бўлган кишилар эса арзимас ғалабалардан ҳам мамнун бўладилар, муаммолар ечимини кейинга суришга, мақсадларини тез-тез алмаштиришга, осон, енгил ва қизиқарли иш билан шуғулланишга харакат қиласидилар. Бундай холатлар омадсизликдан қўрқсан одамдагина бўлади. У берилган ишнинг фақат осонроқ бажарилиши мумкин бўлган қисмини олади.

Инсон иштиёқ, ирода, реал баҳолаш ва ўзлигини рўёбга чиқариш эҳтиёжига эга бўла туриб, ўзлигини намоён қила олмаслиги ҳам мумкин. Чунки, кўп ҳолларда танлаган фаолияти унинг характеристига зид бўлиши мумкин. Ҳар бир тадқиқодчи ҳам ўзини назариётчи, кашфиётчи каби намоён қила олмаслиги мумкин. Лекин у фан лабараториясида истеъдодли раҳбар бўла олиши мумкин. Бу ҳолда билим ҳажми эмас, балки характер тузилиши ва ақл даражаси муҳим роль ўйнайди.

Аҳамиятлиси шундаки, олимнинг шахсий ҳусусиятларида кўпроқ кучли хотира, меҳнатсеварлик, аниқликка интилиш, ижодий дадиллик, парадоксал ва фавқулодда умумлашувга мойиллик, яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари, яна шуниси эътиборга моликки, одамлар:

- 1) кундалик режа бўйича секин - аста ишловчи;
- 2) янги маълумотларга эътиборли;
- 3) бир-бирига зид ғоялар ўстида бош қотирадиган типларга мансуб бўладилар.

Умумэътироф этган тушунчаларига зид келсада, янги ғоялар ишлаб чиқиши ва бошқалар томонидан билдирилган фикрни ҳар томонлама ва пухта ишлаб чиқиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг учун нима муҳимроқ? Балки ҳамкаслари билан доимий яхши муносабатда, бир хил мейёрда меҳнат қилишга, нотекис шижоат ва самара билан ишлашга мойилдир? Ўз соҳасидан ташқарига чиқишдан қўрқадими ёки ўз йўналиши билан чекланадими? Илмий таваккал ва мувоффақиятсизлиқдан чўчимайдими ёки «Секин, лекин аниқ ютуқ» тарафдорими? Буларнинг барчаси аниқ бир хulosा учун асос бўла олади.

Инглиз олимлари, қобилиятлари бир хил даражада ривожланган бир гурӯҳ ўқувчиларни текшириб кўрадилар. Ҳақиқатдан ҳам улардаги қобилият мейёри юқори даражада эканлиги аниқланади. Йигирма йилдан сўнг бу ўқувчиларнинг ҳаёти билан танишилгач, уларнинг ичida катта ютуққа эришмаганлари ҳам, анча омадсизлари ҳам борлиги қайд этилган.

Нега бундай бўлди? Юксак чўққиларга эриша олганларда қобилият ва ақл билан бирга матонат, сабр-тоқат, тиришқоқлик, собит қадамлик мотивлар қўйилишининг ўта кучлилиги ҳамда мустақиллик ва ўз-ўзини бошқара олиш каби психологик ҳусусиятлар мужассамлашганлиги аниқланди.

Гениал шахс бўлишни истайдиган талаба атрофидан «ғойибона рақиб» топиб, беллашув майдонига чиқиши ва ўз-ўзи билан тинимсиз беллашиши зарур. Агар талаба бошқалардан юксакроқ бўлишни истаса, бунинг асло ёмон томони йўқ. Зеро рақобат гениаллик гаровидир.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. А “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент. 2010. 26- бет.

2. Абрамова Г. С. Практикум по возрастной психологии. Учеб. пособие. 2-изд. М, 1999. 320 с.
3. Айзенк Г. Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности. 2-изд. Рига, 1992. 176с.
4. М. Р. Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Ўқув методик қўлланма. Тошкент. Шарқ. 2006. 139 бет.
5. Axmatxonovna, G.X. (2021). PSYCHOLOGICAL FUNDAMENTALS OF THE SOCIAL ENVIRONMENT IN PERSONAL DEVELOPMENT. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Volume1 Issue02, 717-724.
6. Ganieva, H. (2021). Social And Psychological Mechanisms Of Self-consciousness Of Students. European Scholar Journal, 2(4), 190-193.
7. Akhmatkhonovna, G.K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GENIOLOGY ASSIGNMENT IN YOUNG PEOPLE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 335-337.
8. Akhmatkhonovna, G.K., & Jamshid, T. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SUICIDAL BEHAVIOR OF MINORS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 1053-1058.
9. Абдукаримова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ё.Г. (2020). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ (ПЕЙЕРОВЫХ БЛЯШЕК) ТОНКОЙ КИШКИ В ОНТОГЕНЕЗЕ. Universum: медицина и фармакология, (2-3), 20-25.
10. Абдукаримова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ё.Г. (2020). Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе. Universum: медицина и фармакология, (2-3 (66)), 4-4.
11. Ахматхоновна, F.X., Тожимаматов, Ж., & Ўзбекистон, Ё.Я. (2021). янги Ренессанс бунёдкорлари. Ёшлар–янги Ўзбекистон, янги ренесанс бунёдкорлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари, 321-323.
12. Ахматхоновна, F.X. (2021). Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англишини ижтимоий психологик механизмлари. ЎзМУ ХАБАРЛАРИ, 46-49.
13. Akhmadkhonovna, K.G., Rustamovna, A.A., & Saydolimovna, Z.D. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(3).
14. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 607-613.
15. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.

16. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.
17. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 607-613.
18. Фаниева, Х.А., & Закирова, Д.С. (2022). ЎСМИРЛАРДА ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(4), 548-553.
19. Ахматхоновна, F.X. (2022). ШАХС ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИНинг ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(5), 89-95.
20. Ganieva, K. Iqboljon O'g'li, TJ (2022). Social psychological characteristics of the dysfunctional family. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(7), 71-75.
21. G'Aniyeva, X., & Tojimamatov, J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI. Science and innovation, 1(B7), 517-523.
22. Ganieva, K., & Tojimamatov, J. (2020). THE ATTITUDE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF MENTAL HEALTH OF PERSON. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 87-89).
23. G'Aniyeva, X.A., & Qambarova, M.A. Q. (2023). INTELLEKTUAL SALOHIYATLI YOSHLARNI TARBIYALASHDA O 'QITUVCHI IJTIMOIY INTELLEKTINING AHAMIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(3), 449-454.
24. Axmatxonovna, G.A. X., & Iqboljon o'g'li, T. J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 600-606.